Илмий-тадқиқот ишини бажариш бўйича
**Ш А Р Т Н О М А № 14-06**

Тошкент шаҳри. "14" 06 2022 йил

**Зарафшон магистрал каналларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи А.Каримқулов**, кейинги ўринларда **"Буюртмачи"** деб номланувчи Низом асосида иш юритиб, бир томондан ва, кейинги ўринларда **"Бажарувчи"** деб номланувчи, **«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университети («ТИҚХММИ»МТУ) ректори профессор Б.Мирзаев** Низом асосида иш юритиб, иккинчи томондан ушбу шартномани туздилар:

## 1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ:

1.1. «Буюртмачи» **"Зарафшон дарёси орқали сув билан таъминланган майдонда томчилатиб суғориш технологияси сув тиндиргич иншоотлари конструкциявни такомиллаштириш ҳамда иқтисодий тежамкор техник параметрлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш"** мавзусида тадқиқотлар олиб бориш бўйича техник ишланмага топшириқ беради, **"Бажарувчи"** топшириқни бажаришни ўз зиммасига олади.

1.2. Шартнома бўйича тадқиқот иши натижаларини топшириш вақти 2022 йил 31 декабр.

1.3. Шартнома асосий босқичларининг таркиби ва уларнинг бажарилиш муддати шартномани бажаришнинг тақвимий режасига асосан белгиланади.

1.4. Топшириқни бажариш бўйича техник ҳисоботни қабул қилиш ва баҳолаш шартнома техник-иқтисодий асосномаси бандларига мувофиқ амалга оширилади.

1.5. Техник ишланмадан **"Зарафшон магистрал каналларидан фойдаланиш бошқармаси фаолияти ва объектларида фойдаланилади.**

## 2. ШАРТНОМА ИШИНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилган топшириқ учун **"Буюртмачи"** 1- иловадаги шартнома қиймати тўғрисидаги келишувига мувофиқ **"Бажарувчи"** ҳисобига 59 000 000 (эллик тўққиз миллион) сўм ўтказади.

2.2. Ҳақ тўлаш **"Буюртмачи"** ва **"Бажарувчи"** келишувига мувофиқ бажарилган иш учун босқичма - босқич амалга оширилади.

2.3. Шартнома имзолангандан кейин **"Бажарувчи"** ўз мажбуриятларини бажаришга киришиши учун **"Буюртмачи"** йиллик шартнома қийматининг камида 30% ига тенг маблағни бўнак сифатида**"Бажарувчи"** ҳисоб рақамига ўтказади.

2.4.**"Бажарувчи"** нинг хисоб-фактуралари **"Буюртмачи"** томонидан қонунчиликда белгиланган тартиб асосида тўланади.

## 3. БАЖАРИЛГАН ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Шартнома иши бажарилишининг алоҳида босқичларида бажарилган ишнинг натижалари тақвимий режага мувофиқ тарзда қисқача ахборот-ҳисобот кўринишида тақдим қилинади ва топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва хисоб фактураси билан хужжатлаштирилади.

3.2. Тадқиқот иши тўлиқ бажарилгандан кейин **"Бажарувчи" "Буюртмачи"**га бажарилган ишлар натижалари бўйича якуний тулиқ хисобот тақдим этади.

3.3. Тадқиқот иши муддатидан олдин бажарилган тақдирда **"Буюртмачи"** уни муддатидан олдин қабул қилиш хуқуқига эга ва белгиланган тартибда хақ тўлайди.

3.4. Тадқиқот ишининг бажарилиш жараёнида натижаларнинг салбий бўлиши муқаррарлиги ёки ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, **"Бажарувчи"** ишни тўхтатиш ва бу хақда иш тўхтатилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида **"Буюртмачи"**га маълум қилиши шарт. Мазкур ҳолатда томонлар 10 кун ичида ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқишлари лозим.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги учун **“Буюртмачи”** ва **“Бажарувчи”** амалдаги қонунлар доирасида жавобгар бўладилар.

4.2. Шартнома иши бажарилиши жараёнида ишнинг бажарилиши учун таъсир этадиган форс-мажор (табиий офатлар ва бошқа) ҳолатлар юзага келганлиги туфайли мажбуриятлар бажарилмай қолса, бажарилмаган мажбуриятлар учун **“Буюртмачи”** ва **“Бажарувчи”** жавобгар бўлмайдилар

## 5. БОШҚА ШАРТЛАР.

5.1. Шартнома доирасида яратилган техник ишланмага томонлар Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунларига риоя қилган ҳолда муносабатда бўладилар ва унга тенг ҳуқуқли эгалик қиладилар.

5.2. Томонларнинг ўзаро келишуви асосида бошқа қўшимча шартлар ҳам қўлланилиши мумкин.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ.

6.1. Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил «14» 06 дан 2022 йил «31» декабргача белгиланади. Бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар учун тузилган шартномалар Ғазначилик бўлинмасида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва амал қилиш муддати 2022 йил «31» декабргача белгиланади.

6.2. Томонларнинг манзиллари ва ҳисоб рақамлари:

**“БУЮРТМАЧИ”**
**Зарафшон магистрал каналларидан фойдаланиш бошқармаси**

Манзил: Самарқанд шаҳар,
Гагарин 70-уй.
х/р 1000108601840170424021700003
Бюджетдан маблағ олувчининг
СТИР: 204688504
ОКОНХ: 22100
Молия вазирлиги ғазначилиги
Ғазна х/р 6 23402000300100001010
Марказий банк ҲККМ
Тошкент шаҳар бошқармаси
МФО: 00014,
СТИР: 201122919
ОКОНХ: 97160

**Зарафшон магистрал каналларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи**
**А.Каримкулов**

х/ал Самадов А

**“БАЖАРУВЧИ”**
**«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университети**
Манзил: 100000 Тошкент ш., Қори-Ниёзий 39-уй,
Х/р 400110860262697094100079002
ИНН 200541002,
ОКОНХ 92110
ОПЕРУ Казначейство Мин Фин. РУз
Каз./сч. 23402000300100001010
Марказий банк ҲККМ
Тошкент шаҳар бошқармаси
МФО 00014
ИНН 201122919

**Ректор _____________ профессор Б.Мирзаев**

2022 йил «14» 06 даги
№14-06 - шартномага

**1-илова**

**Техник ишланманинг шартнома нархи бўйича келишув**

**БАЁННОМАСИ**

**“Зарафшон дарёси орқали сув билан таъминланган майдонда томчилатиб суғориш технологияси сув тиндиргич иншоотлари конструкцияни такомиллаштириш ҳамда иқтисодий тежамкор техник параметрлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш”** мавзусидаги 2022 йил «14» 06 да тузилган №14-06 шартнома бўйича **“Буюртмачи”** номидан **Зарафшон магистрал каналларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи А.Каримқулов** ва бажарувчи номидан **«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университети («ТИҚХММИ»МТУ) ректори профессор Б.Мирзаев** шуни **тасдиқлаймизки**, тадқиқот ишларини бажариш бўйича шартнома нархини **59 000 000 (эллик тўққиз миллион)** сўм миқдорида белгилашга келишиб олинди.

Ушбу баённома буюртмачи ва бажарувчи ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоб тўловлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

| **“БУЮРТМАЧИ”** | **“БАЖАРУВЧИ”** |
| --- | --- |
| **Зарафшон магистрал каналларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи** | **«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университети ректори:** |
| **А.Каримқулов** | **профессор Б.Мирзаев** |
| ____________2022 йил | ____________2022 йил |

2022 йил «___»_________даги
№_______ - шартномага
**2-илова**

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**
**Зарафшон магистрал каналларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи**
**А.Каримкулов**
"___"______2022 йил

**"КЕЛИШИЛДИ"**
**«ТИҚХММИ» МТУ Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори**
**профессор Б.Султанов**
"___"______2022 йил

**"Зарафшон дарёси орқали сув билан таъминланган майдонда томчилатиб суғориш технологияси сув тиндиргич иншоотлари конструкцияни такомиллаштириш ҳамда иқтисодий-ҳажамкор техник параметрлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш"**
мавзусида тадқиқот иши олиб боришнинг мақсадга мувофиқлигининг

## ТЕХНИК – ИҚТИСОДИЙ АСОСНОМАСИ

**1. Мавзунинг долзарблиги:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил. 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янадаривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947 сонли Фармонида ва 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сонли "Сув ресурсларини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида сув хўжалиги соҳаси мутахассислари олдига улкан вазифаларни қўйдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси тўғрисида" ги ПФ-6024-сон Фармонида кўрсатилишича 2030 йилгача сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилган майдонлар 2 млн. гектарга, жумладан, томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган майдонлар 600 минг гектарга етказилади. Ҳар йили 35–40% (3,5–4 млрд. м$^3$) сув тежалади. Бундан ташқари, сув тежовчи суғориш технологияларини лойиҳалаш, жорий этиш ва қўллаш бўйича услубий тавсияларни, шунингдек, улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш зарур. Зарафшон дарёси сув оқимининг маълум даражада лойқалиги сабабли томчилатиб суғориш тизимидаги иншоотларнинг лойқа босиши натижасида тез ишдан чиқиши кузатилади. Шу сабабли томчилатиб суғориш технологиясида сув тиндиргич иншоотлари конструкцияларини такомиллаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

**2. Ишнинг мақсад ва вазифалари:**

**Ишнинг мақсади:** Томчилатиб суғориш тизимидаги тиндиргич иншоотларининг лойқа чўкиши жараёнларини ўрганиш, оптимал параметрларини асослаш ҳамда самарали ишлаши бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Вазифалари:** сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилган майдонларда дала-тадқиқотларини олиб бориш;

томчилатиб суғориш тизимидаги тиндиргич иншоотларининг лойқа чўкиши жараёнларини ўрганиш;

томчилатиб суғориш технологиясида тиндиргич иншоотлари оптимал параметрларини асослаш;

томчилатиб суғориш технологиясида тиндиргич иншоотларини ҳавфсиз ва ишончли ишлашини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**3. Асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар:**

Томчилатиб суғориш технологиясида сув тиндиргич иншоотлари конструкцияларини такомиллаштириш натижасида лойқа чўкиндиларнинг 95 % гача чўктирилиши таъминланади ҳамда тизимдан ишончли ва хавфсиз фойдаланиш даражаси ошади ҳамда томчилатиб суғориш тизимидан фойдаланиш муддати узайтирилади.

**4. Жорий қилинадиган объект ва эришиладиган натижалар:**

Зарафшон хавзасида томчилатиб суғориш технологиялари жорий қилинган майдонлар (Самарқанд вилояти). Томчилатиб суғориш технологиясида сув тиндиргич иншоотлари конструкцияларини такомиллаштириш натижасида лойқа чўкиндиларнинг 95 % гача чўктирилиши таъминланади ҳамда тизимдан ишончли ва хавфсиз фойдаланиш даражаси ошади. Натижада, томчилатиб суғориш тизимидан фойдаланиш муддати узайтирилади.

**5. Тарғибот усули:**

Илмий-тадқиқот ишлари натижалари илмий-амалий анжуманларда ва илмий журналларда нашр этилади.

**Зарафшон магистрал каналларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи**
**А.Каримкулов**
"___"______2022 йил

**«ТИҚХММИ» МТУ Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи:**
**PhD, доц. У.Қўзиев**
"___"______2022 йил

**Илмий раҳбар:**_______**т.ф.д. профессор А.Янгиев**

2022 йил «14» 06 даги
№14-06 шартномага
**3-илова**

**“Зарафшон дарёси орқали сув билан таъминланган майдонда томчилатиб суғориш технологияси сув тиндиргич иншоотлари конструкцияни такомиллаштириш ҳамда иқтисодий тежамкор техник параметрлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш”**
мавзусидаги илмий-тадқиқот ишини бажариш бўйича

## ТАҚВИМИЙ РЕЖА

| № | Босқичлар номи | Босқич қиймати минг. сўм | Бажарилиш муддати | | Бажарувчилар исми, шарифи, лавозими ва илмий даражаси |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Бош-и | тугаши | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 1. | Мавжуд сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича бажарилган ишлар ва адабиётлар таҳлили. | 14 000 | 10.06. 2022 й | 30.06. 2022 й | ГТИ ва МК кафедраси А.Янгиев Д.Аджимуратов Ш.Азизов |
| 2. | Сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилган майдонларда дала-тадқиқотларини олиб бориш. Томчилатиб суғориш тизимидаги тиндиргич иншоотларининг лойқа чўкиши жараёнларини ўрганиш. | 30 000 | 1.07. 2022 й | 31.09. 2022 й | ГТИ ва МК кафедраси А.Янгиев Д.Аджимуратов Ш.Азизов |
| 3. | Томчилатиб суғориш технологиясида тиндиргич иншоотлари оптимал параметрларини асослаш, уларнинг хавфсиз ва ишончли ишлашини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш. Ҳисобот тайёрлаш, ҳисоботни ҳимоя қилиш. | 15 000 | 1.10. 2022 й | 31.12. 2022 й | ГТИ ва МК кафедраси А.Янгиев Д.Аджимуратов Ш.Азизов |
| | **ЖАМИ** | **59 000 000** | | | |

**Зарафшон магистрал каналларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи**
**А.Каримқулов**
“__” ________ 20__ йил

**«ТИҚХММИ» МТУ Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи:**
**PhD, доц. У.Қўзиев**
“____” ____________ 20__йил

**Илмий раҳбар: __________ проф. А.Янгиев**

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
ТИҚХММИ МТУ проректори
_________ Б.С. Мирзаев
"___" _________ 2022 йил

-сонли “Зарафшон дарёси оқими суви билан таъминланган майдонда томчилатиб суғориш технологияси сув тандиргич иншоотлари конструкцияни такомиллаштириш ҳамда иқтисодий тежамкор техник параметрлари бўйича тавсиялаш ишлаб чиқиш” мавзусидаги тадқиқот ишини бажариш бўйича маблағларнинг 2022 йил учун харажатлар сметаси.

Мавзу раҳбари: т.ф.д., проф. А.А.Янгиев
Ишнинг бошланиши ва тугаши: «14» 06 2022 йил – 30.12.2022 йил.

| Харажат моддаларининг номи | Сатр | Йиллик жами харажатлар минг. сўм | Чораклар бўйича, минг.сўм | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | II | III | IV |
| А | 1 | 2 | 3 | 4 | 50 |
| **Иш хаки** | 1 | 42 099,1 | 11 250,0 | 22 767,8 | 8 081,3 |
| **Иш берувчиларнинг ажратмалари** | 2 | 5 051,9 | 1 350,0 | 2 732,1 | 969,8 |
| **Хизмат сафарлари харажатлари** | 3 | 3 000,0 | | 1 500,0 | 1 500,0 |
| **Коммунал хизматлари харажатлари** | 4 | | | | |
| *электроэнергия учун тўлов* | 04 1 | | | | |
| *табиий газ учун тўлов* | 04 2 | | | | |
| *иссиқ сув ва иссиқлик энергия учун тўлов* | 04 3 | | | | |
| *сув ва оқава учун тўлов* | 04 4 | | | | |
| *ахлатларни йиғиштириш ва олиб чиқиб кетиш хизмати учун тўлов* | 04 5 | | | | |
| **Телефон, телекоммуникацион ва ахборот хизматлари харажатлари** | 5 | | | | |
| **Жорий таъмирлаш харажатлари** | 6 | | | | |
| **Сақлаш, ижара, эксплуатация ва хоказо хизматларга тўлаш учун харажатлари** | 7 | | | | |
| *бензин ва бошқа ёнилғи - мойлаш материаллари харажатлари* | 07 1 | | | | |
| *объектларни қўриқлаш хизмати учун тўлов харажатлари* | 07 2 | | | | |
| *сақлаш, ижара, эксплуатация ва хоказо хизматларга тўлаш учун харажатлари* | 07 3 | | | | |
| ***Бошқа жорий харажатлар*** | 8 | | | | |
| *илмий - техник ахборотлар олиш, сертификатлаш ва чоп этиш харажатлари* | 08 1 | | | | |
| *кийим-кечак, пойафзал, махсус кийим-кечаклар олиш учун харажатлар* | 08 2 | | | | |
| *канцелярия махсулотларини олиш учун харажатлар* | 08 3 | | | | |
| *бошқа жорий харажатлар* | 08 4 | | | | |
| **Бошқа корхона ва ташкилотлар томонидан бажарилган ишлаб чиқариш характеридаги ишлар учун харажатлар** | 9 | | | | |
| **Жихозлар, техниклар, ускуналар ва бошқа капитал активларни олиш учун харажатлар** | 10 | | | | |
| **Устама харажатлар** | 11 | 8 849,0 | 1400,0 | 3000,0 | 4449,0 |
| **Жами:** | | 59 000 | 14000,0 | 29999,9 | 15000,1 |

ИИиТБ бошлиғи — У.Кузиев

Етакчи иқтисодчи — А.Хабибулина

Шартнома рахбари — А.Янгиев